



ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МОЛИЯВИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ.

Намозов Олим Ботирович,

PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

"Иқтисодиёт назарияси" кафедраси ўқитувчиси,

Тошкент, Ўзбекистон. Email: olimnamozov260628@gmail.com

ORCID: 0000-0001-9934-5743

A SYSTEM OF INDICATORS REFLECTING THE FINANCIAL EFFICIENCY OF INVESTMENT UTILIZATION ACROSS ECONOMIC SECTORS.

Namozov Olim Botirovich,

PhD, Lecturer of the Department of "Economic theory"

Tashkent state university of economics,

Tashkent, Uzbekistan. Email: olimnamozov260628@gmail.com

ORCID: 0000-0001-9934-5743

Аннотация: Мазкур илмий мақолада инвестициялар билан боғлиқ бўлган молиявий кўрсаткичлар, инвестицияларнинг мамлакат саноат таркиби, тармоқ ва соҳаларга йўналтирилганлиги, инвестицияларнинг тармоқ ва соҳалардаги молиявий аҳамияти борасида сўз боради. Янги Ўзбекистонда, шу жумладан маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил этишга қаратилган инвестиция сиёсатини янада фаоллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизмларини тубдан такомиллаштириш ва соддалаштириш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштиришни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келимоқда.

Abstract: This scientific article examines financial indicators related to

investments, the allocation of investments within the country's industrial structure by sectors and industries, and the financial significance of investments for these sectors and fields of activity. In New Uzbekistan, a set of measures is being implemented to further intensify investment policy, including the modernization and establishment of high-technology production facilities aimed at deep processing of local raw materials and the manufacture of finished products with high added value. Large-scale efforts are underway to fundamentally improve and simplify the mechanisms for implementing investment projects and to expand the attraction and absorption of investments, primarily foreign direct investment.

Калит сўзлар: инвестиция, модернизация, иқтисодий ўсиш, инфляция даражаси, ЯИМ, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар, ишлаб чиқариш ҳажми, истеъмол харидлари паритети.

Keywords: investment, modernization, economic growth, inflation rate, GDP, foreign direct investment, production volume, purchasing power parity.



Кириш. Айтиш лозимки, Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасининг 2022 – 2026-йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорлари инвестиция оқимини кўпайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу ҳужжатлар асосида мамлакатда тармоқ ва ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилиши назарда тутилган. Республикамиз иқтисодиётини либераллаштириш, модернизация ва диверсификация қилиш натижасида рақобатнинг янада кескинлашуви кузатилаётгани, бу эса иқтисодиётга ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарурлигини тақозо этаётгани айтиш жоиз.

Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида унинг рақобатбордошлигини ошириш мақсадида маҳаллий, хорижий инвестициялар, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш устувор йўналиш сифатида танланган. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “... етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш” устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган [1].

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат кўмитаси “Ҳудудларда инвестиция дастурларининг шакллантирилиши, тасдиқланиши ва ижроси, ажратилган маблағларларни мақсадли ва самарали ўзлаштириш, инфратузилма, ижтимоий объектлар ва иқтисодий лойиҳаларнинг амалга оширилиши, ҳудудларнинг барқарор ривожлантиришига таъсирини ўрганиш масалалари” мавзусида давра суҳбатида, қуйидаги фикр мулоҳазалар муҳокама қилинди. Республикамиз иқтисодиётини либераллаштириш, модернизация ва диверсификация қилиш натижасида рақобатнинг янада кескинлашуви кузатилаётгани, бу эса иқтисодиётга ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарурлигини тақозо этаётгани айтиб ўтилди [2].

Иқтисодиёт тармоқларига – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, автомобил йўллари транспорт соҳасида инвестициялар самарадорлигини профессионал баҳолаш ва лойиҳаларни самарали бошқариш, қурилиш материаллари соҳаларида инвестиция самарадорлиги борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда кутилаётган натижалар ҳолати ҳам куннинг энг асосий ва долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Материал ва метод. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га ПФ-4853-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар

томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”га ПФ-4848-сонли, 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги “Инновация ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5643-сонли фармони ҳамда 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сонли Қонуни белгиланган вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида, иқтисодиёт тармоқларида инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни амалиётга жалб қилиш

$$ROG_{(t)} = f \left[ROG_{(t-1)}, INV_{(t-1)}, FDI_{(t-1)}, SCH_{(t)}, PART_{(t)}, PR_{(t)}, \frac{RGD}{US_{(t)}} \right].$$

бу ерда $ROG(t)$ – реал жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот, $ROG_{(t-1)}$ – аввалги даврдаги (йилдаги) реал жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот, $INV_{(t-1)}$ – аввалги даврдаги (йилдаги) ялпи ички маҳсулотдаги инвестиция харажатлари, $FDI_{(t-1)}$ – аввалги даврдаги (йилдаги) номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан келувчи ТТХИ оқимлари фоиз улуши, $SCH_{(t)}$ – давр бошидаги таълим даражаси, $PART_{(t)}$ – иқтисодий фаол алоҳининг ўзгариши, $PR_{(t)}$ – жаҳондаги нархга нисбатан мамлакатдаги нарх даражаси ўзгариши,

зарурияти бўйича ва уларни баҳолаш масалаларига эътибор қаратилади.

Маълумки, инвестициялардан фойдаланиш заруриятидан келиб чиқиб БМТнинг Савдо ва ривожланиш конференцияси ташкилоти методикасида ҳам ТТХИнинг иқтисодий ўсишга таъсирини баҳоловчи регрессион таҳлил усуллари келтирилган. Унда келтирилган асосий модел реал жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот билан ўлчанувчи ҳар беш йиллик мамлакат иқтисодий ўсишини, ушбу ўсишни таъминловчи манбалар билан боғлиқлигини ифодалайди [3]. Иқтисодий ўсишни таъминловчи манбалар сифатида эса ялпи инвестициялар, жалб қилинувчи ТТХИ, аввалги даврдаги иқтисодий ўсиш, таълим даражаси, ишчи кучи, инфляция, реал даромад каби омиллар келтирилган. Ушбу модел формал кўринишда қуйидагича ифодаланган:

$RGD/US_{(t)}$ – бошланғич даврда АҚШдаги даражага нисбатан мамлакат аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал даромадни ифодалайди.

Гарвард университети профессори Л.Алфаро эса нафақат мамлакатга жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга умумий таъсири, балки уларнинг турли иқтисодий тармоқлардаги оқимларининг иқтисодий ўсишга таъсирини солиштириш ва баҳолашда қуйидаги эконометрик тенгламадан фойдаланган [4].

$$Growth = FDI + FDI^P + FDI^M + FDI^S + DomI + Infl + Schooling + GovSpend + Pr Cred + InstQual + Opennes;$$

бу ерда Growth – иқтисодий ўсишни (реал жон бошига тўғри келувчи

ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши), FDI – тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини, FDI^P – иқтисодиётнинг бирламчи тармоғидаги (primary) тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини, FDI^M – иқтисодиётнинг саноат тармоғидаги (manufacturing) тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини, FDI^S – иқтисодиётнинг хизматлар тармоғидаги (service) тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини, $DomI$ – ички инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини, $Infl$ – инфляция даражасини (ялпи ички маҳсулот дефлятори), $Schooling$ – аҳолининг ўртача таълимга сарфлайдиган вақтини, $GovSpend$ – давлат умумий харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини $PrCred$ – хусусий секторга берилган кредитларнинг ялпи ички маҳсулотдаги фоиз улушини; $InstQual$ – давлат институтлари сифатини (Халқаро мамлакатлар хатарини ўлчаш ташкилотининг [5] 12 та кўрсаткичлари

асосида баҳоланади), $Opennes$ – иқтисодиётнинг очиклик даражасини (экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати) ифодалайди. Л.Алфаро юқорида келтирилган эконометрик моделлар асосида 1981-1999 йиллардаги 47 та мамлакат бўйича турли иқтисодиёт тармоқларига киритилган ТТХИнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиб [6], бирламчи тармоқдаги (қишлоқ хўжалиги, қазиб чиқариш) ТТХИ иқтисодий ўсишга салбий, саноат (қайта ишлаш) тармоғидаги ТТХИ эса иқтисодий ўсишга ижобий, хизматлар соҳасидаги ТТХИ иқтисодий ўсишга нейтрал таъсир кўрсатганлигини аниқлаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ТТХИларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини бир неча мамлакатлар гуруҳи кесимида баҳолашда табиий ва инсон капитали омилларини ҳам ҳисобга олиш мақсадида Солоу ва Кобб-Дуглас иқтисодий ўсиш моделларига мурожаат қилиш мақсадга мувоқиқдир [7]. Ушбу моделларда ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

$$Y = K^\alpha H^\beta [AL]^{1-\alpha-\beta}, \quad \alpha > 0, \beta > 0, \alpha + \beta < 1, \quad (1)$$

бу ерда Y – ишлаб чиқариш ҳажмини, K – табиий капитални, H – инсон капиталини, A – меҳнат унумдорлиги ва L – меҳнатни ифодалайди. Агар $k=K/AL$, $h=H/AL$ ва $y=Y/AL$ тенглама қуйидаги кўринишга (2) эга бўлади:

$$y = k^\alpha h^\beta; \quad (2)$$

Ҳосил бўлган тенгликни логарифмлаш натижасида қуйидаги (3-формула) натижага эришамиз:

$$\ln y = \alpha \ln k + \beta \ln h, \quad (3)$$

Ишлаб чиқариш жараёнида шартли конвергенция назарияси шартлари асосида ва мамлакатлар гуруҳи доирасида тадқиқ этилаётган масалаларнинг эмпирик таҳлилига эҳтиёж ҳамда Барро [8], Левин ва Ренелт [9], Барро ва Сала и Мартин [10] ҳамда Сакс ва Ворнер [11]лар тадқиқотларида келтирилган фикрларни ҳисобга олиб қуйидаги (4-формула) тенгликни келтириб чиқариш мумкин:

$$\frac{y_T}{y_0} = F[y_0, k, h]; \quad (4)$$

Бу ерда бир меҳнат бирлигига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (y_T/y_0) илк даврдаги (y_0) бирлик меҳнат ишлаб чиқариш ҳажми, k ва h кўрсаткичларнинг F функцияси билан ифодаланади. Юқоридаги тенгликдаги боғлиқлик узоқ муддатда иқтисодий тараққиётга 2 хил асосий таъсир кўринишида ифодаланади. Биринчиси капитал ва маҳнат омиллари (K ва AL ўзгарувчилари)га боғлиқ ривожланишидир. Тадқиқотимиз мақсади, инвестициялардан фойдаланиш заруриятидан келиб чиқиб ТТХИ ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш эканлигини ҳисобга олиб, асосий ўсиш функциясини ифодаловчи юқоридаги тенгликни мамлакатга ТТХИнинг кириш кўрсаткичини билдирувчи f ўзгарувчини қўшган ҳолда қуйидагича янгидан ифодалаш мумкин:

$$y_T/y_0 = F[y_0, k, h, f].$$

Ушбу тенгликдаги кўрсаткичларни ўзаро солиштириш имкониятини таъминловчи ягона ўлчамга келтириш орқали тажрибавий тегиширишга мослаш учун қуйидагича (5-формула) логарифмик шаклда ифодалаймиз:

$$\ln\left(\frac{y_T}{y_0}\right) = \alpha \ln y_0 + \beta \ln k + \gamma \ln h + \delta \ln f; \quad (5)$$

Статистик маълумотлардан фойдаланишда эса аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг истеъмол харидлари паритети (ИХП) бўйича реал қиймати кўрсаткичларининг ўртача йиллик ўсиши у натурал логарифми иқтисодий ўсиш учун фойдаланилади. y_0 учун таҳлилнинг бошланғич йилидаги жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ИХП бўйича реал қиймати ишлатилади. k индикатори учун эса жон бошига тўғри келувчи таҳлил муддатидаги ўртача ЯИМнинг реал қийматидаги инвестиция улуши асос бўлади. Мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини кўрсатувчи ўрта-махсус билим юрти ёки олий ўқув муассасаларини битириш коэффициенти таҳлил давридаги ўртача қиймати h индикатори билан ифодаланади. Ниҳоят f индикатори ТТХИларнинг жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг реал қийматидаги улушининг тегишли даврдаги ўртача қиймати билан

ҳисобланади. Бу ерда ТТХИ ҳажми сифатида унинг оқимлари ёки захира ишлатилиши мумкин ва бунда у ёки бу кўрсаткичнинг танланиши таҳлил натижасига бир хил таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун танлов мақсади ва модел хусусиятларини ҳисобга олиб, алоҳида эътибор билан амалга оширилиши керак.

Натижалар. Инсон капитали назариясига кўра, таълим учун харажатлар ошириладиган бўлса, ходимларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам ошади. Бу эса пировардида уларнинг даромадлари ортиши ҳамда аҳолининг камбағаллик даражаси пасайишига олиб келади.

Шу нуқтайи назардан, таълим соҳасига ажратилаётган давлат харажатлари, бир томондан, бу оилаларни қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилса, иккинчи томондан, мамлакатнинг келажакдаги иқтисодий юксалиши учун бебаҳо сармоядир. Шу билан бирга,

ЯИМнинг ўсиши, савдо-сотик ва ҳамда ялпи капитал қўйилмаларнинг ошиши, инфляциянинг пасайиши каби омиллар камбағаллик даражаси билан тескари алоқага эга [12].

Мамлакатимизда таълим соҳаси бўйича олиб борилаётган ва уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратадбирлар натижаси таҳлилини ўрганиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайминз.




2-расм. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар ҳажми (йиллик, минг сўм.)¹

Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл сармояларининг йилдан-йил ортиб бораётганлиги албатта, ижобий ҳолат саналади. Киритилаётган инвестицияларнинг амалда ижорси бораси, ҳамда амалга оширилаётган чоратадбирлар борасидаги ишлар ҳам анчагина иқтисодиётнинг самарали фаолият юритаётганлигидан далолатдир. Масалан, 2020 йилга қараганда, 2024 йили мамлакатимизга киритилган инвестициялар миқдори 7512,4 минг сўмга кўп демакдир, бу ўз навбатида аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестицияларнинг 222 % дан ортиқроққа кўпайганини билишимиз мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳамда аҳоли жон бошига асосий капиталнинг ортиб бораётганлиги албатта инсонни хурсанд қилади. Йўналтирилаётган инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётида амалга оширилиши ва янгидан-янги ишлаб чиқариш турларини ортишига сабаб бўлиши ҳаммамизга маълум. Шу борада, киритилаётган сармояларнинг амалдаги ижроси, ишлаб чиқариш борасидаги инновацион маҳсулот яратилиши, шу билан бирга амалда жорий қилинаётган инновациялар кўрсаткичларини ҳам таҳлил қилишни жоиз деб топдик.


¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



1-расм. Ўзбекистонда жорий қилинган инновациялар сони².

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилиб келинаётган инновациялар сони йиллар кесимида тебраниш тенденциясига эга эканлиги маълум бўлди. Диаграмма маълумотлари таҳлил қилинган охириги 5 йиллик маълумотлар ичида фақатгина 2023 йилда

энг юқори кўрсаткич яъни яратилган инновациялар сони 8294 тани ташқил қилади. 2024 йилги маълумот бўйича бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 2773 тага кам эканлиги, ёки 66,5 % гача камайганини билишимиз мумкин.



3-расм. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони³.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажарган ташкилотлар сони 2023 йилгача бўлган даврда йилма-йил ортиб борган, аммо 2024 йили ишланмаларни бажарган

ташкилотлар сони, 2023 йилга қараганда 25 тага камайган, 2023 йили бажарилган ишлар ҳажмини фоиз кўринишида ифодалайдиган бўлсак, 2024 йили ишланмаларни бажарган ташкилотлар 8,5

² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

фоиздан кўпроқ ишларни амалга ошириш даркор деб ҳисоблаймиз.

Шунда, ишлаб чиқариш янги босқичга кўтарилиб, янгидан-янги ишлаб чиқариш турлари ва бозорларимизда замонавий янгидан-янги маҳсулотлар пайдо бўла бошлайди.

Мунозара.

Капитал қўйилмаларнинг нисбий иқтисодий самарадорлиги аниқ хўжалик ва техник вазифаларни ҳал қилишнинг (масалан, янги техникани жорий қилиш ва корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуролантириш бўйича вариантни танлаш) тежамкор (мақсадга мувофиқ) вариантыни аниқлашга хизмат қилади. У бир вариант бошқа вариантга нисбатан қанчалик яхшироқ эканлигини кўрсатади.

Капитал қўйилмаларининг нисбий иқтисодий самарадорлиги лойиҳаларнинг бир қанча вариантларини таққослашда ёки янги техникани танлашда кўриб чиқилади.

Капитал қўйилмаларнинг нисбий иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи бўлиб сарф қилинган харажатлар минимуми ҳисобланади. Ҳар бир вариант бўйича сарф қилинган харажатлар самарадорлиги меъёрига асосан бир хил ҳажмга келтирилган жорий харажатлар ва капитал қўйилмалар суммасидан иборат. Қайси вариант энг кўп самарадорлик бўйича капитал қўйилмалар ва жорий харажатлар ўртасидаги қулай нисбатни таъминласа, у шунчалик афзалликка эга бўлади. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладикки, бир вариант камроқ капитал қўйилмаларни, бошқаси эса жорий харажатларни талаб этади. Бундай вазиятда капитал қўйилмаларни тежаладиган жорий харажатлар билан таққослаш ва эришилган самарадорлик миқдорини унинг меъёрий кўрсаткичи билан солиштириш талаб этилади.

Капитал қўйилмалар нисбий иқтисодий самарадорлигининг мақсади муайян хўжалик ва техник вазифани ҳал қилишнинг тежамли (мақсадга мувофиқ) вариантыни аниқлашдир. У бир вариант бошқа вариантга нисбатан қанчалик яхши эканлигини кўрсатади.

Ижтимоий соҳага харажатларни сарфлашнинг мақсади ижтимоий ва иқтисодий натижаларга (самараларга) эришишдир.

Ижтимоий соҳанинг ижтимоий натижаларига қуйидагилар киради:

- аҳолининг меҳнат ва ҳаёт кечириш шароитларини яхшилаш;
- турли касалликлар билан касаллашни камайтириш;
- аҳоли маълумот даражасининг ўсиши;
- бўш вақтнинг кўпайиши ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш.

Ижтимоий натижаларни ўстиришнинг асосий омили бўлиб ижтимоий соҳанинг янги муассаса ва корхоналарини куриш ва мавжудларини кенгайтириш (таълим, тиббий хизмат, маданият муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи ва коммунал хўжалиги корхоналари ва бошқ.) ҳисобланади.

Режалаштириш, лойиҳалаштириш ва лойиҳалар вариантларини танлаш, капитал харажатларининг амалдаги самарадорлигини таҳлил қилишда ижтимоий соҳада капитал харажатларининг самарадорлиги аниқланади.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган капитал қўйилмаларидан келадиган самара қуйидагиларда акс этиши мумкин:

Натурал ўлчамларда (масалан, корхоналар қувватлари бирликларида, корхоналарнинг ишлаш қобилиятида, объектларнинг сифимкорлиги ва бошқ.);



Қиймат шаклида (масалан, бир йилда сотиладиган хизматлар ёки маҳсулотлар ҳажми).

Ижтимоий соҳага харажатларнинг ижтимоий натижалари билан бир қаторда иқтисодий – бевосита ва билвосита (етақланувчи) натижалар ҳам ҳисобга олинади.

Ишлиб чиқаришни янги босқичга олиб чиқиш бу, таълим соҳасида ўзгаришларни ва янги ёндашувларни таъқозо қилиши билан изоҳланиши ҳеч кимга сир эмас. Шу мақсадда биз ҳам мамлакатимизга киритилаётган инвестициялардан унумли ва самарали фойдаланиш борасида, фан ва технологиялардан, қолаверса ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамда замонталаб маҳсулотларга бўлган

эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда келажакдаги ишларимизни амалга оширишимиз керак.

Хулоса. Иқтисодийни технологик нуқтаи назаридан янги сифатга ўтказиш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришга сезиларли равишда инвестицияларни жалб этишни жаҳон амалиётида ўзини оқлаган усуллардан деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон иқтисодиёти учун қулай инвестицион муҳитни яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини ошириш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947 сонли Фармони.
2. <https://parliament.gov.uz/news/hududlarda-investitsiya-dasturlarining-shakllantirilishi-holati-qay-darajada>
3. <https://unctad.org/publication/world-investment-report-1999>
4. Alfaro, Laura, and Andrew Charlton. "Intra-Industry Foreign Direct Investment." (pdf) American Economic Review 99, no. 5 (December 2009): 2096–2119. (Also Harvard Business School Working Paper No. 08-018 and NBER Working Paper No. 13447.)
5. International Country Risk Guide.
6. Alfaro L. (2003), “Foreign Direct Investment and Growth: Does the Sector Matter?”, Harvard Business School, Morgan 263, Boston.
7. Romer, D. (1996), Advanced Macroeconomics. McGraw-Hill, 1996.
8. Barro, R. (1991), Economic Growth in a Cross-Section of Countries. Quarterly Journal of Economics 106, 407-443.
9. Levine, R. and D. Renelt (1992), A Sensitivity Analysis of Cross-Country Growth Regressions. American Economic Review 82 (4), 942-63.
10. Barro, R. and X. Sala-i-Martin (1995), Economic Growth. McGraw-Hill, New York.
11. Sachs, J. D. and Warner, A. M. (2001), Natural Resources and Economic Development: The curse of natural resources. European Economic Review 45, 827-38.
12. <https://sputniknews.uz/20221201/talimga-investitsiya-kiritish-qashshoqlikni-kamaytiradi-30414432.html>